**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги**
**Санитария-эпидемиологик осойишталик**
**ва жамоат саломатлиги**
**қўмитаси раиси**

**_______________ Б.Қ.Юсупалиев**

**2023 йил 22 декабрь**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2024 йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар**

# РЕЖАСИ

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | **I. АСОСИЙ ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАР** | | | |
| 1.1. | Санитария-эпидемиология қўмитаси тасарруфига кирувчи қуйи тизим муассасалари ва таркибий бўлинмаларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалаларида фаолиятдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни ечимлари ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифаларни белгилаш юзасидан муҳокамалар ўтказиш. | ҳар чоракда | Бошқарма, бўлимлар бошлиқлари, ИТИлар ва республика муассасалари раҳбарлари | Н.С.Атабеков, Б.Ж.Курбанов, Қ.И.Ҳайитов |
| 1.2. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мурожаатлар билан ишлаш бўлими, ишонч телефони ва бошқа манбалар орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ва тегишли маъмурий ҳудудлардаги ижро ҳолати мониторингини олиб бориш. | йил давомида | Н.Н.Абдураҳмонов, бошқарма, бўлим бошлиқлари, ИТИлар ва республика муассасалари раҳбарлари | Н.С.Атабеков |
| 1.3. | **“EDO.ijro.uz”** тизимига юкланган хужжатларни ўз вақтида ва тўлақонли ижросини назорат қилиш. | доимий | Н.Ташбаев М.Валиева | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.4. | **“Project.gov.uz”** электрон тизимига келишиш учун киритилган норматив- ҳуқуқий хужжатлар лойиҳасини ижросини назорат қилиш. | доимий | Н. Ташбаев А.Раббимов | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.5. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ижро | доимий | Н.С.Ташбаев | Б.Қ.Юсупалиев |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги **ПҚ-5132**-сон қарори билан белгиланган талаблардан келиб чиқиб, **"Ijro.gov.uz"** идоралараро хужжат айланиш тизимидаги Санитария-эпидемиология қўмитасига тегишли топшириқлар ижросини назорат қилиш, ҳафтада икки маротаба муҳокама ташкил этиш. | | | |
| 1.6. | Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида" қонуни асосида санитария-гигиена ва эпидемиология соҳалари бўйича келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқишда сусткашликка йўл қўяётган Тошкент, Фарғона вилоятлари бошқармалари фаолиятини ўрганиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | 2-3-чорак | Н.Н.Абдураҳмонов | Н.С.Атабеков |
| 1.7. | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ҳайъат, Санитария-эпидемиология Ҳайъати, ЭҚКФК ва селектор йиғилишларига маълумотлар тайёрлашда иштирок этиш, қабул қилинган қарорларни соҳага тегишли йўналишлари бўйича ижросини таъминлаш | ССВ режаси асосида | Н.С.Атабеков, Б.Ж.Курбанов, Қ.И.Ҳайитов, Н.С.Ташбаев, ИТИлар ва республика муассасалари раҳбарлари | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.8. | Ўзбекистон Республикасини Жаҳон савдо ташикилотига аъзо бўлиш жараёнида санитария-гигиена йўналишидаги қонунчиликда белгиланган халқаро стандартлар ва санитария-фитосанитария чораларини қўллаш тўғрисидаги битим талабларини мувофиқлаштириш. | йил давомида | А.Н.Шукуров ва тегишли мутахассислар | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.9. | Республикада аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасига оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 1-чорак ва йил давомида | Л.Р.Турдиева, Р.Т.Камилова, С.Абраев, ИТИлар ва республика муассасалари раҳбарлари | Н.С.Атабеков |
| 1.10. | Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги билан боғлиқ муаммоли масалаларини ҳал этиш, аҳоли хонадонларини санитария-гигиеник жиҳатдан орасталигини таъминлашда "Маҳаллабай" ишлаш тизимини янгича тартибда амалга ошириш. | доимий | Ж.Туйчиев Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар | Н.С.Атабеков |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармалари бошлиқлари | |
| 1.11. | Санитария-эпидемиология қўмитаси муассасалари биноларида тўлиқ тежамкор электр лампаларидан фойдаланиш, босқичма-босқич қуёш панелларини ўрнатиш | йил давомида | Қ.И.Ҳайитов, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.12. | Санитария-эпидемиология қўмитаси ходимлари ўртасида энг яхши санитария-эпидемиология шифокори танловини ўтказиш бўйиича номзодларни белгилаш | 1-2-чорак | Б.Қурбонов Н.Ташбаев, С.Актамов | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.13. | Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари бўйича ижтимоий буюртмаларни шакллантириш ва уларни илмий-техника Кенгашида муҳокама қилиш. | 2-чорак | Н.С.Атабеков, Б.Ж.Курбанов, ИТИлар ва республика муассасалари раҳбарлари | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.14. | Аҳоли орасида вирусли гепатитнинг "В" ва "С" турларини эрта ташхислаш, даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш. | 2024 йил давомида | Э.И.Мусабоев | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.15. | Республикада коронавирус касаллиги бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида профилактик эмлаш тадбирларини амалга ошириш. Эмланиши режалаштирилган аҳолини бустер доза ва ревакцинация билан коронавирус касаллигига қарши эмлаш тадбирларини ўтказиш. | йил давомида | Д.А.Турсунова | Б.Ж.Курбанов |
| 1.16. | Республикада бошқарилувчи юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда мамлакат қўлга киритган мавжуд элиминация сертификатларини сақлаб қолиш мақсадида профилактик эмлаш тадбирларини ташкил этиш. | йил давомида | Д.А.Турсунова | Б.Ж.Курбанов |
| 1.17. | Юридик ва жисмоний шахсларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари мослиги бўйича текширишларни ташкил қилиш. Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятлари томонидан олиб борилган тадбирларни ўрганиш. | I чорак | Ж.Туйчиев А.Алимджанов У.Абдурахмонов | Н.С.Атабеков |
| 1.18. | "Хавфни таҳлил қилиш" тизимини амалиётга тадбиқ этиш, амалга оширилаётган ишлар бўйича Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, | йил давомида | Ж.Туйчиев А.Алимджанов | Н.С.Атабеков |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларида ўрганиш ва уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | | У.Абдурахмонов | |
| 1.19. | "Э-маъмурий иш" ва "Ягона давлат назорати" ахборот тизимлар орқали тадбиркорлик субъектида ўтказиладиган профилактик тадбирлар, текшириш ва маъмурий жарималарни қўллаш борасида ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) бўлимлар томонидан олиб борилаётган тадбирларни таҳлил қилиб бориш, мазкур тизимларда ишлаш бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш. | йил давомида | А.Алимджанов<br>У.Абдурахмонов | Н.С.Атабеков |
| 1.20. | Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган санитария-эпидемиологик текширувларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-374-сон қарорига асосан амалга оширилишини назорат қилиш ва ҳудудларга амалий ёрдам кўрсатиш. | йил<br>давомида | А.Алимджанов<br>У.Абдурахмонов | Н.С.Атабеков |
| 1.21. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги "Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 611-сон қарори асосида тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказиш бўйича мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва уларни фаолиятини мувофиқлаштириб бориш. | йил<br>давомида | А.А.Алимджанов<br>У.Абдурахмонов | Н.С.Атабеков |
| 1.22. | Тадбиркорлик субъектларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши бўйича ўтказилган назорат ва қўлланилган чоралар бўйича ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлими фаолиятини таҳлил қилиш, маълумотлар тайёрлаш ва семинарлар ўтказиш. | йил давомида | А.Алимджанов<br>У.Абдурахмонов | Н.С.Атабеков |
| 1.23. | Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида санитария-гигиена йўналиши бўйича Андижон, Қашқадарё Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилган тадбирларни ўрганиш. | II чорак,<br>IV чорак | Ж.Туйчиев | Н.С.Атабеков |
| 1.24. | Атроф муҳитни (сув омборлари сувлари, атмосфера ҳавоси ва тупроқ) мониторинги борасида Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан олиб борилаётган тадбирларни таҳлил қилиш ва маълумотномалар тайёрлаш. | II чорак | О.Миршина,<br>В.Абдувохидов,<br>Р.Жумабаева | Н.С.Атабеков |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| 1.25. | Овқатдан заҳарланиш ҳолатларини олдини олиш борасида олиб борилаётган тадбирларни таҳлил қилиш ва маълумотнома тайёрлаш. | III чорак | А.Исмаилов | Н.С.Атабеков |
| 1.26. | Огоҳлантирувчи санитария назорати, юридик ва жисмоний шахсларда текширишни ташкил этиш ва текшириш натижаси бўйича чоралар қўллаш, атроф муҳитни мониторингини ўтказиш ҳамда аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида санитария-гигиена йўналиши бўйича маълумотлар тайёрлаш. | ҳар ойда | Ж.Туйчиев, бошқарма мутахассислари | Н.С.Атабеков |
| 1.27. | Иммунизациянинг индикатор кўрсаткичлари (қизамиқ ва полиомиелит) бўйича ҳудудий бошқармалар фаолиятини баҳолаш ва барча босқичларда профилактик эмлашлар билан қамраб олиш. | январ-феврал март | Д.А.Турсунова, Х.Э.Жамалова А.А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 1.28. | Республикага вакциналар ва эмлаш воситаларини етказиб бериш бўйича ЮНИСЕФ хамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармацевтика агентлиги билан доимий алоқани таъминлаш, музокаралар олиб бориш. | доимий | Д.А.Турсунова, Х.Э.Жамалова А.А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 1.29. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 11 апрелдаги 148-сон буйруғи ва ЖССТ тавсияларига мувофиқ республика, вилоят, туман миқёсида эмлаш пунктларида вакциналарни самарали бошқаришни (ЭУВ) таъминлаш. | доимий | Д.А.Турсунова, Х.Э.Жамалова А.А.Каримов М.Эндибаев | Б.Ж.Курбанов |
| 1.30. | Барча вакцина омборини бошқариш бўйича ҳаракатлар режаси “Соғлиқни сақлашни мустаҳкамлаш” лойиҳасининг режасига мувофиқ бажарилишини таъминлаш. | йил давомида | Д.А.Турсунова, Х.Э.Жамалова А.А.Каримов М.Эндибаев | Б.Ж.Курбанов |
| 1.31. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг Фарғона ва Сурхондарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаларининг бактериология лабораториялари фаолияти бўйича ўрганиш ўтказиш ва жойлардаги мутахассисларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | йил давомида | Н.А.Шадманова Қодирова Р.Р. | Б.Ж.Курбанов М.А.Шамсутдинова |
| 1.32. | Дезинфекцияловчи воситаларнинг самарадорлигини аниқлаш учун микробиологик таҳлиллар ўтказиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш. | 3-чорак | Н.А.Шадманова | Б.Ж.Курбанов М.А.Шамсутдинова |
| 1.33. | Даволаш профилактика муассасаларида шифохона ички инфекцияси бўйича микробиологик таҳлиллар ўтказиш учун услубий қўлланма ишлаб чиқиш. | 2-чорак | Н.А.Шадманова | Б.Ж.Курбанов М.А.Шамсутдинова |
| 1.34. | Клиник микробиологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича текширув протоколларини ишлаб чиқиш ва Санитария-эпидемиология қўмитасининг | йил давомида | Н.А.Шадманова Р.Р.Қодирова | Б.Ж.Курбанов М.А.Шамсутдинова |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | бактериология лабораторияларида кундалик амалиётига тадбиқ этиш. ИСО-15189 талабларини киритиш. | | | |
| 1.35. | Санитария-бактериология текширувларини ўтказиш методологияси бўйича амалий семинар ўтказиш. | 3-чорак | Н.А.Шадманова<br>Лаборатория мутахассислари | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.36. | KOICA лойиҳаси доирасида белгиланган амалий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш. | йил давомида | Н.А.Шадманова | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.37. | Ҳаво-томчи инфекцияларини текшириш методологияси бўйича амалий семинар ўтказиш. | 4-квартал | Н.А.Шадманова<br>Лаборатория мутахассислари | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.38. | Аккредитациядан ўтган бактериология лабораторияси мутахассислари учун аккредитация доирасига киритилган озиқ-овқат ва истеъмол товарларини текшириш усуллари бўйича тренинг ўтказиш. | йил давомида | Н.А.Шадманова<br>Р.Р.Қодирова<br>Д.С.Валиева<br>Х.Агзамова | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.39. | Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш. | йил давомида | Р.Т.Камилова | Н.С.Атабеков,<br>Б.Ж.Курбанов |
| 1.40. | Юқумли касалликларнинг электрон мониторинг тизимини (ЮКЭМТ) барқарор ишлаши бўйича Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | йил давомида | Ж.Омонов,<br>Н.Ф.Валиева | Б.Ж.Курбанов<br>Қ.И.Хайитов |
| 1.41. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг бошқарма, бўлим ва миллий референс лаборатория ходимлари билан ҳамкорликда АКТ тизимини доимий ва барқарор ишлаши учун лозим бўлган тадбирларни давом эттириш. | йил давомида | Ж.Омонов | Қ.И.Ҳайитов |
| 1.42. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудига карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларни кириб келишинини олдини олиш мақсадида фаолият кўрсатаётган санитария-карантин пунктлари (СКП)нинг фаолиятини ўрганиш ва СКП ходимларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | 2-4 чоракда | Ф.Қурбонбеков | Б.Ж.Курбанов |
| 1.43. | Республикада 2023 йилда безгак касаллиги ҳолати ва амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан Европа ЖССТ учун ҳисобот тайёрлаш. | 2-чорак | Ф.Қурбонбеков<br>Тё И.Л. | Б.Ж.Курбанов |
| 1.44. | Давлат Туризм қўмитасига паразитар касалликлар бўйича ахборот хати тайёрлаб юбориш. | 1-чорак | Ф.Қурбонбеков<br>Тё И.Л. | Б.Ж.Курбанов |
| 1.45. | Республикада 2023 йил мобайнида қайд этилган зооноз ва паразитар касалликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва | ҳар чоракда | Р.Н.Икрамов<br>Ф.Б.Қурбонбеков | Б.Ж.Курбанов |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси билан ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш. | | | |
| 1.46. | Маъмурий ҳудудларда қутуриш касаллигининг олдини олиш ва аҳолига кўрсатилаётган антирабик хизмат самарадорлигини ўрганиш ва Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | 2-3 чоракда | Ф.Б.Қурбонбеков | Б.Ж.Курбанов |
| 1.47. | Ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, табиий ўчоқлар устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирларни амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш. | йил давомида | Ф.Б.Қурбонбеков | Б.Ж.Курбанов |
| 1.48. | Грипп ва ЎРВИ бўйича ҳар хафталик ахборот бюллетенларини тайёрланишини таъминлаш, Соғлиқни Сақлаш вазирлиги сайтларида чоп этиш. | йил давомида | Ф.Б. Курбонбеков<br>Л. В. Кудашева | Б.Ж.Курбанов |
| 1.49. | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги учун юқумли касалликлар ва амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар бўйича солиштирма таҳлилий маълумот тайёрлаш. | ҳар ойда | Ф.Б. Курбонбеков,<br>Д.А. Турсунова | Б.Ж.Курбанов |
| 1.50. | Грипп касаллигининг эпидемия олди ва эпидемик даврида гриппга қарши эмланадиган контингентни эмланиши бўйича назоратни таъминлаш, эмлаш режасини бажарилишини таҳлил қилиш ва маълумот тайёрлаш. | август- декабр | Ф.Б. Курбонбеков<br>Л.В.Кудашева | Б.Ж.Курбанов |
| 1.51. | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вирусли гепатитлар бўйича амалдаги буйруқ ва бошқа меъёрий ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, 2030 йилга келиб вирусли гепатитларни республикада элиминациясига эришиш бўйича аниқ ҳаракатлар стратегиялар кўзда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаб, ўрнатилган тартибда келишиш. | 2-3-чорак | Э.И. Мусабаев<br>Ф.Б. Курбанбеков | Б.Ж.Курбанов |
| 1.52. | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 23 январдаги 16-сон буйруғи асосида Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни муомаласи билан боғлиқ фаолиятлар бўйича ҳисоботлар қабул қилиш, таҳлилий маьлумотларни тайёрлаш ва Наркотикларни назорат қилиш қўмитасига тақдим этиш. | январ,<br>ҳар чорак | М.А.Шамсутдинова ва лаборатория ходимлари | Н.С.Атабеков |
| 1.53. | Ўзбекистон Республикасининг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативлар, услубий қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга қўшимчалар киритиш ҳамда янгиларини ишлаб чиқишда иштирок этиш. | мурожаат асосида | М.А.Шамсутдинова ва лаборатория ходимлари | Н.С.Атабеков |
| 1.54. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларининг санитария-гигиена лабораториялари томонидан | йил давомида | М.А.Шамсутдинова ва лаборатория | Н.С.Атабеков |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | лаборатория тахлил натижаларини хаққонийлигини ўрганиш ва баҳо бериш мақсадида, ички назорат тартибида арбитраж тахлилларини олиб бориш. | | ходимлари | |
| 1.55. | Ҳудудий бошқармалар, туман ва шаҳар бўлимларининг аккредитациядан ўтмаган лабораторияларни аккредитациядан ўтишиға амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | йил давомида | Миллий референс лаборатория бошлиғи ва лаборатория мудирлари | Н.С.Атабеков<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.56. | Ўзбекистон Республикасининг Жахон савдо ташкилотига аъзо бўлишига тайёргарлик кўриш жараёнида лабораторияларни Жахон савдо ташкилоти талабларига кўра озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлик кўрсаткичларини тўлиқ таҳлилдан ўтказиш учун аккредитация доирасини кенгайтириш | йил давомида | Миллий референс лаборатория бошлиғи ва лаборатория мудирлари | Н.С.Атабеков<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.57. | Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг маблағлари ҳисобидан лабораторияларнинг моддий техника базасини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш. | йил давомида | Миллий референс лаборатория бошлиғи ва лаборатория мудирлари | Н.С.Атабеков<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.58. | Ташқи грант маблағларни йўналтириш орқали лабораторияларaро ахборот алмашинув тизимини жорий қилиш. | йил давомида | Миллий референс лаборатория бошлиғи ва лаборатория мудирлари | Н.С.Атабеков<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.59. | Республикадаги лабораториялараро солиштирма таҳлилларни тизимли равишда ташкил қилиш учун Миллий референс лабораториясини ISO 17043-2023 Стандарти талаблари бўйича “Провайдер” лаборатория сифатида тайёрлаш. | йил давомида | Миллий референс лаборатория бошлиғи ва лаборатория мудирлари | Н.С.Атабеков<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.60. | Санитария-эпидемиология қўмитаси Миллий референс лабораториясининг вирусология ва бактериология лабораторияларини ISO 15189-2022 халқаро стандарти бўйича аккредитациядан ўтказиш. | йил давомида | Миллий референс лаборатория бошлиғи ва лаборатория мудирлари | Н.С.Атабеков<br>Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.61. | ЖССТ кўрсатмалари ва ҳисобот шаклларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қизамиқ ва қизилча касалликларини лаборатория | ҳар ойда | С.Ф.Джемилева<br>Б.А.Плешков | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | ташҳисоти бўйича ЖССТнинг Европа минтақавий Бюросиға сифатли ҳисоботлар тайёрланишини таъминлаш. | | Х.Т.Хўжаева<br>Х.М.Жиянова<br>Р.Н.Ахмедова | |
| 1.62. | ЖССТ кўрсатмалари ва ҳисобот шаклларига мувофиқ грипп, гриппсимон ва оғир ўткир респиратор касалликлар устидан дозорли эпидемиологик назорат бўйича грипп, бошқа ЎРВИ, ҳамда SARS-CoV-2 вирусига лаборатория текширувлари натижаларини ЖССТнинг "EpiPulse/TESSy" онлайн платформасига киритилишини таъминлаш. | ҳар ҳафта | С.Ф.Джемилева<br>Б.А.Плешков<br>А.А.Абдиахатов<br>И.Р.Заитов | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.63. | ЖССТ кўрсатмалари ва ҳисобот шаклларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қайд қилинган ўткир бўшашган фалажлик ҳолатлари устидан эпидемиологик назорати ва вирусологик текширувлар бўйича ЖССТнинг сифатли ҳисоботлар тайёрланишини таъминлаш. | ҳар ҳафтада | С.Ф.Джемилева<br>Б.А.Плешков<br>Х.Т.Хўжаева<br>С.И.Собирова | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.64. | Грипп, гриппсимон ва оғир ўткир респиратор касалликлар устидан дозорли эпидемиологик назорат бўйича грипп, бошқа ЎРВИ, ҳамда SARS-CoV-2 вирусига лаборатория текширувлари натижаларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг грипп ҳафталик миллий бюллетенини тузиш учун онлайн-платформага киритишни таъминлаш. | ҳар ҳафта | С.Ф.Джемилева<br>Б.А.Плешков<br>А.А.Абдиахатов<br>И.Р.Заитов | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.65. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5129-сон қарорида белгиланган вазифадан келиб чиқиб, Санитария-эпидемиология қўмитаси таркибига кирувчи ташкилотлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида, қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш. | йил давомида | Б.Юлдашев<br>А. Норбеков,<br>М.А. Шамсутдинова | Қ.И.Ҳайитов |
| 1.66. | Соҳага жалб этилган халқаро молия институтлари маблағларини мақсадли ишлатилиши ва даврий ҳисоботларини тайёрлаш. | ҳар чоракда | Р.С.Латипов,<br>Б.Юлдашев,<br>С.Хуррамов | Қ.И.Ҳайитов |
| 1.67. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг лабораторияларидаги ўлчов воситаларини метрология текширувидан (қиёслашдан ва/ёки калибрлашдан) ўтказилишини мониторинг қилиш ва таҳлилини олиб бориш ҳамда маълумот тайёрлаш. | ҳар<br>6 ойда | Л. Турдиева | Н.С. Атабеков |
| 1.68. | Санитария-эпидемиология қўмитаси таркибига кирувчи муассасалар ҳамда ҳудудий бошқармалар ва унинг туман (шаҳар) бўлимларида коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳа фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни ечими ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифаларни белгилаш, тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан | ҳар чоракда | Д. Каттабеков,<br>Э. Данаев | Б.Қ.Юсупалиев |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | ходимларни яқиндан таништириш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирларни мунтазам ташкил этилишини таъминлаш. | | | |
| 1.69. | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари вирусология лабораториялари мутахассислари билан ҳамкорликда аҳолининг қизамиққа қарши иммунитети таранглигини ўрганиш бўйича текширувлар олиб бориш | йил давомида | С.Ф.Джемилева,<br>Б.А.Плешков,<br>Х.Т.Хўжаева<br>С.И.Собирова<br>Ф.Т.Зокиров | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.70. | Озиқ-овқат маҳсулотларини генетик модификацияланган организмларга текширишни ўтказиш. | йил давомида | С.Ф.Джемилева<br>Б.А.Плешков<br>С.И.Собирова | Н.С.Атабеков<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.71. | Ўзбекистон Республикасининг халқаро, ҳукуматлараро, ташкилотлараро шартномалари ва битимларидан келиб чиққан ҳолда, санитария-эпидемиологик осойишталик тизимидаги халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш. | йил давомида | Л.М.Хужамбердиева | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.72. | Санитария-эпидемиология қўмитаси ва унга тегишли идоралар билан халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида алоқалар ўрнатиш, кенгайтириш ва мувофиқлаштириш. | йил давомида | Л.М.Хужамбердиева | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.73. | Халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган расмий музокаралар, учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш | йил давомида | Л.М.Хужамбердиева | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.74. | Халқаро шартномалар, меморандумлар ва бошқа ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш, музокаралар олиб бориш ва ушбу ҳужжатлар имзоланишини ташкил этиш. | йил давомида | Л.М.Хужамбердиева | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.75. | Санитария-эпидемиология қўмитаси ва қуйи ташкилотларига хорижий давлатлардан келган делегацияларни қабул қилиш, белгиланган тартибда учрашувлар ҳамда музокаралар ўтказиш. | йил давомида | Л.М.Хужамбердиева | Б.Қ.Юсупалиев |
| 1.76. | Ўта хавфли юқумли касалликларни лаборатория текширув усулларини такомиллаштириш ва замонавий ташхис усулларини амалиётга тадбиқ этиш. | йил мобай-нида | А.П. Ильина<br>Н.А.Дусматова<br>Р.А.Байматов | Б.Ж.Қурбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.77. | Амалдаги қонуний ҳужжатларга биноан ўтказилаётган лаборатория текширувларининг биохавфсизлигини таъминлаш, биоҳимояланиш ва ички сифат назорат тизимини халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича ишларни давом эттириш. | йил мобайнида | А.П. Ильина<br>Н.А.Дусматова<br>Р.А.Байматов | Б.Ж.Қурбанов<br>М.А.Шамсутдинова |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| 1.78. | Миллий референс ЎХЮК лабораторияси базасида ишга янги қабул қилинган мутахассисларни ўта хавфли юқумли касалликларнинг ташҳисоти бўйича иш ўрнида тайёрлаш. | талабга кўра | А.П. Ильина<br>Н.А.Дусматова<br>Р.А.Байматов | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |
| 1.79. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан **22 SSV, 27SSV, 28 SSV** шаклдаги йиллик ҳисоботларни қабул қилиш, умумлаштириш ва белгиланган муддатларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистика бўлимига юбориш. | белгиланган муддатда | Н.Валиева<br>З.Усманова | Б.Қ.Юсупалиев |
| **II. САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР** | | | | |
| 2.1. | Хавфни таҳлил қилиш механизмини жорий қилиш учун назорат остидаги объектларнинг ягона электрон базаси risk-ses.ssv.uz ахборот тизими бўйича олиб борилаётган ишларини таҳлил қилиб бориш. | ҳар чоракда | Ж.Тўйчиев,<br>А.Алимджанов | Н. С.Атабеков |
| 2.2. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сон қарорига асосан қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланишга қабул қилиш ва объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиб бериш бўйича ҳудудий бошқармаларга амалий-услубий ёрдам бериш, фаолиятини таҳлил қилиш ва назорат қилиш. | ҳар чоракда | Ж.Тўйчиев,<br>К.Жуманиязов | Н. С.Атабеков |
| 2.3. | Қурилиш учун ер майдонини танлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг2021 йил 27 августдаги 543-сон қарори 2022 йил 14 февралдаги 71-сон ва 2022 йил 30 ноябрдаги 685-сон қарорлари бўйича ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимларига амалий ёрдам бериш ва фаолиятини ўрганиш. | ҳар чоракда | Ж.Тўйчиев,<br>К.Жуманиязов | Н.С. Атабеков |
| 2.4. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш хақида” 80-сон қарорлари ижросини Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларида ўрганиш ҳамда амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | ҳар чоракда | Ж.Тўйчиев,<br>К.Жуманиязов | Н. С.Атабеков |
| 2.5. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон қарори ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида умумий | йил давомида | Г. Мухамедова,<br>Р.Максудходжаева | Н. С.Атабеков |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | ўрта таълим муассасаларида санитария-гигиеник талабларига риоя этилиши юзасидан олиб борилаётган тадбирларни ўрганиб бориш ва назорат қилиш. | | | |
| 2.6. | Ёз мавсумида фаолияти режалаштирилган ёзги болалар оромгоҳларининг дислокациясини тузиш, мавсумга тайёргарлик ишларини назорат қилиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. | май,<br>июн | Г. Мухамедова<br>Р.Максудходжаева | Н.С. Атабеков |
| 2.7. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 426-сон қарори ижросини Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларида ўрганиш ҳамда амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | II чорак,<br>IV чорак | Г. Мухамедова<br>Р.Максудходжаева | Н. С.Атабеков |
| 2.8. | Умумтаълим мактабларини янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича ўрганишлар ўтказиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва тегишли вазирлик ва идораларга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълумот киритиш. | июль-август | Г. Мухамедова<br>Р.Максудходжаева | Н.С. Атабеков |
| 2.9. | Мактабгача таълим ва умумтаълим ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги “Мактабгача ҳамда умумтаълим ташкилотлари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 352-сон қарорига асосан ҳудудий бўлинмалар томонидан 2025 йил учун ўтказиладиган назорат режасини тузилиши юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш. | ноябрь-декабрь | Г. Мухамедова<br>Р.Максудходжаева | Н. С.Атабеков |
| 2.10. | Даволаш-профилактика муассасалари фаолияти натижасида ҳосил бўлган тиббий чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва утилизация қилиниши устидан назорат ўтказиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилиш. | ҳар чоракда | Ф.Тажибаев,<br>С.Рахматов | Н.С.Атабеков |
| 2.11. | Даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекцияларини олдини олиш бўйича санитария-гигиена, эпидемияга қарши чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан ўтказилаётган назоратни самарадорлигини ўрганиш ва бу борада амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | йил<br>давомида | Ф.Таджибаев,<br>Л. Саидганиева | Н.С.Атабеков |
| 2.12. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётган даволаш- | ҳар чоракда | Ф.Тажибаев,<br>Л. Саидганиева | Н.С. Атабеков |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | профилактика муассасаларида огоҳлантирувчи санитария назорати натижаларини таҳлил қилиш. | | | |
| 2.13. | Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни талабларини бажарилиши устидан доимий назорат олиб бориш, маълумотларни таҳлил қилиш ва асосли таклифлар тайёрлаш. | ҳар чорак | О. Миршина | Н.С. Атабеков |
| 2.14. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 343-сон қарори ижросини таъминлаш борасида ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлар томонидан олиб борилаётган тадбирларни таҳлил қилиш, ҳудудий бошқармаларга амалий ёрлам бериш. | ҳар чорак | О. Миршина<br>В.Абдувохидов | Н.С. Атабеков |
| 2.15. | Тошкент вилоятидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси бўйича олиб борилаётган мониторинглар бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштирилган ахборот тайёрлаш. | ҳар ойда | Р.Жумабаева | Н.С. Атабеков |
| 2.16. | Зарарли ва ноқулай шароитда ишловчи ходимларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сон буйруғи асосида дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказилишини ўрганиш, ҳудудий бошқармалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, умумлаштирилган ахборот тайёрлаш. | март | Ж. Тўйчиев<br>Л.Турдиева | Н.С. Атабеков |
| 2.17. | Касб касалликларини олдини олиш ҳамда зарарли ва ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасида ҳудудий бошқармалар томонидан олиб борилаётган тадбирларни таҳлил қилиш ва уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | II чорак | Ж. Тўйчиев<br>Л.Турдиева | Н.С. Атабеков |
| 2.18. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июлдаги “Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 239-сон ва “Бозор ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш. | ҳар чорак | А. Исмаилов<br>М.Гаффаров | Н.С. Атабеков |
| 2.19. | Ҳудудий бошқармалар томонидан йодланган ош тузи, олий ва 1-навли буғдой уни ишлаб чиқариш корхоналарини хабардор қилган холда ўтказилган текшириш натижалари бўйича хисоботларни юритиш. | ҳар чорак | А. Исмаилов<br>М.Гаффаров | Н.С. Атабеков |
| 2.20. | Ҳудудий бошқармалар томонидан овқатдан заҳарланишларни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, | ҳар ой | А. .Исмаилов<br>М.Гаффаров | Н.С. Атабеков |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | маълумотларни таҳлил қилиш ва назорат қилиш. | | | |
| 2.21. | Қишлоқ хўжалигида пестицидлар сақланилиши ва қўлланилиши устидан санитария-гигиена назоратини ўтказилишини мувофиқлаштириш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | йил давомида | А.Кўчаров | Н.С. Атабеков |
| 2.22. | Заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар ҳамда уларни қадоқлаш идишларини махсус полигонларга кўмиш учун консервация ва реконструкция жараёнларини ўрганиб бориш ва назорат қилиш. | ҳар чоракда | А.Кўчаров | Н.С. Атабеков |
| 2.23. | Атроф-муҳит ифлосланишининг натижалари асосида маъмурий ҳудудларнинг эколого-гигиеник районлаштириш, ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш. | декабрь | В.Абдувохидов | Н.С.Атабеков |
| 2.24. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 737-сон қарорига асосан аҳоли пунктларининг селитеб ҳудудида, саноат корхоналарининг санитария-ҳимоя зоналарида, транспорт интенсив ҳаракатланадиган асосий магистраллар ва чорраҳаларда атмосфера ҳавосининг санитария-гигиеник мониторинги ташкил этиш бўйича амалий ёрдам бериш ва назорат қилиш. | ҳар чоракда | В.Абдувохидов | Н.С. Атабеков |
| 2.25. | Сурхондарё вилоятининг Узун, Денов ва Сариосиё туманларида атмосфера ҳавоси, очиқ сув хавзалари ва ичимлик сувини текшириш натижалари бўйича таҳлилий ҳисоботлар юритиш. | II ва IV чорак | В.Абдувохидов | Н.С. Атабеков |
| 2.26. | Тиббий чиқиндиларни қайта ишлаш концепциясини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. | 2-чорак | Ф.Тожибаев<br>О.Миршина | Н.С.Атабеков |
| 2.27. | Қурилиш учун ер майдони танлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарори, 2022 йил 14 февралдаги 71-сон ва 2022 йил 30 ноябрдаги 685-сон қарорлари бўйича ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимларига амалий ёрдам бериш ва фаолиятини ўрганиш. | ҳар чоракда | Ж.Тўйчиев,<br>К.Жуманиязов | Н.С. Атабеков |
| 2.28. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги “Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 626-сон қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш. | йил давомида | Г. Мухамедова<br>Р.Максудходжаева | Н.С. Атабеков |
| 2.29. | Янги жорий қилинаётган дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситаларини токсикологик жиҳатдан текшириш ва хавфлилик синфини аниқлаш. | йил давомида | Ш.Эшмурадов | Б.Ж.Курбанов |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| 2.30. | Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 869-қарорига асосан радиациявий хавфсизликни таъминланиши ва бартараф этилиши устидан назоратни амалга ошириш. | йил давомида | Ж.А.Абдурахманов ва лаборатория ходимлари | Н.С.Атабеков М.А.Шамсутдинова |
| 2.31. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг Самарқанд, Сурхондарё, Наманган вилоятлари бошқармалари радиология бўлимлари ва лабораторияларининг фаолиятини жойида ўрганиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | 2-4-чорак | Ж.А.Абдурахманов ва лаборатория ходимлари | Н.С.Атабеков М.А.Шамсутдинова |
| 2.32. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 сентябрдаги “Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими тўғрисида” 613-сон қарорига асосан индивидуал дозиметрик назоратни амалга ошириш бўйича Навоий, Сирдарё, Андижон вилоятларида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш. | 1-4-чорак | Ж.А.Абдурахманов ва лаборатория ходимлари | Н.С.Атабеков М.А.Шамсутдинова |
| 2.33. | Ҳудудий бошқармаларнинг радиацион гигиена бўлими ва лабораториялари мутахассисларини йўналиши бўйича Миллий референс лаборатория таркибидаги радиология лабораторияси базасида иш жойида ўқитиб бориш. | йил давомида | Ж.А.Абдурахманов ва лаборатория ходимлари | Н.С.Атабеков М.А.Шамсутдинова |
| 2.34. | Ҳудудий бошқармаларнинг радиология бўлими ва лабораториялари мутахассислари учун “Радиология бўлими ва лабораториялари томонидан радиацион хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан” семинар ўтказиш. | йил давомида | Ж.А.Абдурахманов ва лаборатория ходимлари | Н.С.Атабеков М.А.Шамсутдинова |
| **III. ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР** | | | | |
| 3.1. | Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг 25.03.2015 йилдаги 122-сонли “Республика аҳолиси ўртасида ич терлама, паратиф, сальмонеллёз ва ўткир ичак касалликларга қарши олиб борилаётган чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида” буйруғини Жиззах, Қашкадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида ижросини назорат қилиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | март-ноябр | Ф.Б.Қурбонбеков<br>Л.В. Кудашева<br>Н.З. Каршиева<br>О.П. Миршина | Б.Ж.Курбанов |
| 3.2. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27.08.2018 йилдаги 542-сонли “Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитлар ташхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғини Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бажарилишини назорат қилиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | апрел-декабр | Ф.Б.Қурбонбеков<br>Л.В. Кудашева<br>З.А. Гиёсова | Б.Ж.Курбанов |
| 3.3. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 16.02.2023 | март- ноябр | Ф.Б.Қурбонбеков | Б.Ж.Курбанов |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | йилдаги 31-сонли “Тошкент шаҳрида ўткир респиратор инфекциялар бўйича дозорли эпидемиологик назоратни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” буйруғини Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида бажарилишини назорат қилиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | | Л.В. Кудашева | |
| 3.4. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24.10.2014 йилдаги 383-сонли “Ўзбекистон Республикаси силга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисидаги” буйруғини Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бажарилишини назорат қилиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | апрел-ноябр | Ф.Б.Қурбонбеков<br>Л.В. Кудашева<br>Н.З. Каршиева | Б.Ж.Курбанов |
| 3.5. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 08.09.2023 йилдаги 224-сонли “Республикада грипп ва ўткир ҳамда оғир ўткир респиратор инфекциялар мавсумида аҳоли ўртасида эпидемик барқарорликни таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида” буйруғини Андижон, Қашкадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ижросини назорат қилиш ва амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | март-декабр | Ф.Б.Қурбонбеков<br>Л.В. Кудашева<br>С.Ф. Джемилева | Б.Ж. Курбанов |
| 3.6. | Республикада лейшманиоз касаллигини олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни Навоий, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ўрганиш (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 25.03.2015 йилдаги 121-сонли “Республикада паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига асосан). | апрел-сентябр | Ф.Б.Қурбонбеков<br>И.Л. Тё<br>Х.М. Ахмедова | Б.Ж. Курбанов |
| 3.7. | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 0280-09-сонли юқумли касалликлар ўчоқларида якуний ва жорий дезинфекцияни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича СанҚваМ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиғининг 30.04.1997 йилдаги 198-сонли «Республикада дезинфекция ишларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги буйруқлари ва даволаш-профилактика муассасаларидаги марказий стерилизация пунктларини ҳолати ва ишлаши бўйича амалга оширилган дезинфекция чора-тадбирларини Сирдарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бажарилишини назорат қилиш, амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | март-июл | Ф.Б.Қурбонбеков<br>Л.В. Кудашева<br>И.Д. Матчанов | Б.Ж. Курбанов |
| 3.8. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг СанҚваМ 0220-22-сон “Шифохона ичи инфекцияси профилактикаси” талаблари | май-октябр | Ф.Б.Қурбонбеков<br>И.Д. Матчанов | Н.С.Атабеков,<br>Б.Ж. Курбанов |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | асосида ДПМлардаги стерилизация тадбирларини Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилишини ўрганиш ҳамда амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | | Ф.С Тажибаев | |
| 3.9. | Юқумли ва паразитар касалликлар бўйича ойлик маълумотларни олиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, олинган тезкор, статистик маълумотлар асосида юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишини олдини олишга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул ижрочиларга йўналтириш. | ҳар ойда | Н.Валиева<br>З.Усманова | Б.Юсупалиев |
| 3.10. | Республиканинг маъмурий ҳудудлари кесимида бошқариладиган юқумли касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари бўйича кундалик, хавфталик ва ойлик таҳлилни ўтказиш. | ҳар ойда | Д.А.Турсунова,<br>Х.Э.Жамалова<br>А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 3.11. | Профилактик эмлаш бўйича Ф-6 ҳисоботи, ёшлар гуруҳи ва “Ҳар бир туманни қамраб олиш” бўйича ҳисоботларни республиканинг маъмурий ҳудудларидан ўз ватқида қабул қилинишини таъминлаш ва таҳлил этиш. | ҳар ойда | Д.А.Турсунова,<br>Х.Э.Жамалова<br>А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 3.12. | Профилактик эмлашга берилаётган тиббий чекловларни рўйхатга олиш ва уларни кейинги эмланишини доимий равишда кузатиб боришни йўлга қўйиш. | ҳар ойда | Д.А.Турсунова,<br>Х.Э.Жамалова<br>А.А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 3.13. | Иммунизация ва болалар саломатлигини яхшилаш бўйича ОП, ОШПлар фаолиятини мониторинг қилиш. | доимий | Д.А.Турсунова,<br>Х.Э.Жамалова<br>А.А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 3.14. | Хавфли гуруҳдагилар ва катта ёшдагилар орасида босқичма-босқич коронавируснинг янги штамларига қарши вакциналар билан эмлашни давом эттириш. | доимий | Бўлим врачлари<br>Д.А.Турсунова,<br>Х.Э.Жамалова<br>А.А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 3.15. | Эмлаш жараёнларини рақамлаштириш. ВЛМИС ва ЭИР тизимларини республика бўйича жорий этиш ва мониторингини олиб бориш. РТМИС тизими бўйича совуқлик занжирини электрон мониторинг қилиб бориш. ЮНИСЕФ хомийлигида жойларда янги ходимларни малакасини ошириш. | йил давомида | Д.А.Турсунова,<br>Х.Э.Жамалова<br>А.А.Каримов | Б.Ж.Курбанов |
| 3.16. | ДПМлардаги шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича таҳлиллар олиб бориш ва натижалари бўйича маълумотлар тайёрлаш. | йил давомида | Ф.Тажибаев,<br>Л. Саидганиева | Б.Ж.Курбанов |
| 3.17. | ЖССТ тавсияларига асосан атроф-муҳит объектларида (оқава сувда) полиомиелит вируси айланиб юриши устидан қўшимча назорат ўрнатиш ва ўрганишни давом этиш. | доимий | С.Ф.Джемилева<br>Б.А.Плешков<br>Х.Т.Хўжаева | Б.Ж.Курбанов<br>М.А.Шамсутдинова |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | **IV. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТАДБИРЛАРИ** | | | |
| 4.1. | Соҳага олий ва ўрта-махсус маълумотга эга кадрларни жалб қилиш бўйича 2025 йилда битирувчи ёш кадрлар тўғрисидаги маълумотларни Олий таълим муассасаларидан олиш ва битирувчиларнинг электрон базасини юритиш. | 2024 йил 4-чорак | Ў.А.Ёдгоров З.Қ.Абдурахимова Р.Ибрагимов | Б.Ж.Курбанов |
| 4.2. | Кадрларни хорижда ўқитиш, хорижий экспертларни таклиф этиб, ўқув-курсларини ташкил этиш бўйича ЮНИСЕФ, CDC, ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб бориш. | йил давомида | Ў.А.Ёдгоров, З.Қ.Абдурахимова А.Р.Илхомжонов Р.Ибрагимов | Б.Ж.Курбанов |
| 4.3. | Республика ва халқаро миқёсдаги даврий илмий нашрларда, анжуманларда ва кенгашларда илмий изланишлар натижаларини эълон қилиб бориш ҳамда форум ва анжуманларда қатнашиш. | йил давомида | Ў.А.Ёдгоров, З.Қ.Абдурахимова Р.Ибрагимов | Б.Ж.Курбанов |
| 4.4. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим ўзининг 2024 йилга мўлжалланган иш режасига малакасини ошириш бўйича маълумот киритишини йўлга қўйиш ва камида йил давомида бир маротаба малака оширишининг таъминланишига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. | 2024 йил 1-4-чорак | Ў.А.Ёдгоров Р.Ибрагимов Н.А.Саидова | Б.Ж.Курбанов |
| 4.5. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг вилоят бошқармаларидаги ва туман/шаҳар бўлимларидаги кадрларга мавжуд эҳтиёж ҳамда бўш иш ўринларининг электрон базасини шакллантириш ҳамда мониторингини олиб бориш. | йил давомида | Ў.А.Ёдгоров Р.Ибрагимов З.Х.Махаматова Н.А.Саидова | Б.Ж.Курбанов |
| 4.6. | Санитария-эпидемиология қўмитаси соҳасида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларини ўз вақтида малака ошириш курсларида ўқитишни ва малака тоифасини ошириб боришларининг назоратини олиб бориш. | йил давомида | Ў.А.Ёдгоров Р.Ибрагимов Н.А.Саидова З.Х.Махаматова | Б.Ж.Курбанов |
| 4.7. | Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан ва тасарруфидаги муассасалардан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда лойиҳалар юзасидан маълумот йиғиш. | йил якунида | Ў.А.Ёдгоров Р.Ибрагимов Н.А.Саидова З.Х.Махаматова | Б.Ж.Курбанов |
| | **V. ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ** | | | |
| 5.1. | Соҳага оид Президент фармонлари, қарорлар ижроси бўйича матбуот анжумани ва брифинглар ташкил қилиш. | 1-2-чорак | М.Саидова Барча бўлимлар | Б.Қ.Юсупалиев |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| 5.2. | Республика аҳолисини тиббий билим саводхонлиги ва санитария-гигиеник маданиятини оширишга қаратилган мавзуларда оммабоп материаллар тайёрлаш ва Санитария-эпидемиология қўмитасининг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали кенг ёритиш. | 1-2-чорак | М.Саидова<br>Барча бўлимлар | Б.Қ.Юсупалиев |
| 5.3. | Умумий овқатланиш объектлари, шифохоналар, таълим муассасалари ва бошқа ижтимоий объектларнинг санитария-гигиеник ҳолатини ўрганишда ОАВ вакиллари иштирокини таъминлаш. | йил давомида | М.Саидова<br>Масъул бўлимлар | Н.С.Атабеков |
| 5.4. | Шифохона ичи инфекцияларининг профилактикаси бўйича илмий журналларда мақолалар чоп эттириш. | йил давомида | Ф.Тажибаев | Б.Ж.Курбанов |
| 5.5. | Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган таргибот тадбирларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш. | йил давомида | М.Саидова<br>Масъул бўлимлар | Н.С.Атабеков |
| 5.6. | Аҳоли ўртасида мавсумий юқумли касалликлар ва турли кўринишдаги овқатдан заҳарланишларни олдини олиш борасида олиб борилаётган тарғибот тадбирларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш. | йил давомида | М.Саидова<br>Масъул бўлимлар | Н.С.Атабеков |
| 5.7. | Юқумли касалликлар ва уларга қарши эмлаш ишлари тўғрисида аҳоли хабардорилиги ошириш мақсадида ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб бориш. | йил давомида | М.Саидова<br>Масъул бўлимлар | Б.Ж.Курбанов |
| | **VI. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР** | | | |
| 6.1. | Санитария-эпидемиология қўмитаси ва унинг қуйи тизимида давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини такомиллаштириш борасида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш. | йил давомида | О.А.Йўлдошев | Қ.И.Ҳайитов |
| 6.2. | Санитария-эпидемиология қўмитаси тизимидаги Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими ходимлари иштирокида соҳага оид янги қабул қилинган Қонун ва қонун ости хужжатларни моҳияти бўйича семинарлар ташкил этиш. | йилига икки маратоба | О.А.Йўлдошев | Қ.И.Ҳайитов |
| 6.3. | Санитария-эпидемиология қўмитаси тизимида давлат хизматларини кўрсатишни босқичма-босқич онлайн шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалага оширишни жорий қилиш. | йил давомида | О.А.Йўлдошев | Қ.И.Ҳайитов |
| 6.4. | Санитария-эпидемиология қўмитаси таркибига кирувчи муассасаларда давлат хизматларини кўрсатиш бўлимлари фаолиятини танқидий ўрганиб, йўл қўйилган хато-камчиликларни муҳокама қилиш. | 4-чорак | О.А.Йўлдошев | Қ.И.Ҳайитов |
| 6.5. | Тадбиркорлар орасида учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида | йил давомида | О.А.Йўлдошев | Қ.И.Ҳайитов |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро назорати |
|---|---|---|---|---|
| | Санитария-эпидемиология қўмитаси, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда тадбиркорлар билан учрашув ташкил этиб боришни тизимли йўлга қўйиш ва ҳар ойда соҳа мутахассислари иштирокида видеоалоқа форматида ўтказиладиган йиғилишларда муҳокама қилиш. | | | |
| 6.6. | Экспортёр корхоналарнинг соҳага оид муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳар ойда муҳокама ўтказиш ва жойлардаги мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатиб бориш. | ҳар ойда | О.А.Йўлдошев | Қ.И.Ҳайитов |
| 6.7. | Санитария-эпидемиология қўмитаси ва унинг қуйи тизимларида тадбиркорларни қўллаб-қуватлаш борасида амалга оширилаётган енгиллик ва яратилган қулайликлар борасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар қилиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш. | йил давомида | О.А.Йўлдошев<br>М.Сайидова | Қ.И.Ҳайитов |

**“Киритилди”**
**Стратегик режалаштириш, ахборот-таҳлил ва ижро интизоми бўлими бошлиғи**
**Н.Ташбаев**

**“Келишилди”**
**Раиснинг биринчи ўринбосари**
**Н.Атабеков**

**“Келишилди”**
**Раис ўринбосари**
**Б.Қурбонов**

**“Келишилди”**
**Раис ўринбосари**
**Қ.И.Ҳайитов**